

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 2-mart, payshanba

№ 9 (9225)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқроқ стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Жамоатчилигимиз ва халқимиз билан кенг муҳомадаларда билдирилган тақдирлар асосида ишлаб чиқилган **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат дастури ижросини самарали, қатъий тартиб-интизом асосида ташкил этиб, **10 кун муддатда** ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла кесимида амалий чора-тадбирларни

ларни белгиласин ҳамда **кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида мунтазам равишда** масъул шахсларнинг ҳисоботини эшитиб борсин. Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларга Давлат дастурининг бажарилишини туманлар, шаҳарлар ва маҳаллаларга бориб ўрганиш, масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

2. Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қўлайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида, **2023 йил 1 июлдан** бошлаб:

а) барча давлат органлари ва ташкилотларида **“Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш”** чора-тадбирлари белгилансин.

Вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари **15 кун муддатда** ўз тизимида **масофадан туриб**, шу жумладан, **мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш**, ундириладиган **тўловлар миқдорини камайтириш**, талаб қилинадиган **ортиқча хужжатларни бекор қилиш**, кўриб чиқиш **жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш**, шаффофликни

ошириш, **аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқот** майдончаларини ташкил этиш, ходимларнинг **муомала маданиятини юксалтириш**, **тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиш** бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаб, **аҳоли ва тадбиркорларга** эълон қилсин;

б) **давлат хизматлари марказлари** орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони **300 тага**, **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса **570 тага** етказилсин;

в) **аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар)га** миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун **қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилсин**;

г) электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини **проактив тарзда** кўрсатиш (фуқаро мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) тақлифини юбориш

йўлга қўйилсин.

3. **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич **“Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформи”**сига ўтказилсин ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилсин.

Бунда, субсидиялар ажратиш тўғрисидаги аризаларни **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали ёки **исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари** орқали топшириш имкониятини яратиш ҳамда **ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бошқа коррупциявий омилларни бартараф этиш** таъминлансин.

4. Фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, **2024 йил 1 январдан бошлаб** пенсионерга ҳисобланган, лекин ўз вақтида **олинмаган пенсияни тўлаш муддати 12 ойдан 24 ойга узайтирилсин**.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ Фармон ва ижро

Яйловлар муҳофазаси кучайтирилгани табиат барқарорлигини таъминлайди

2023 йил 16 февралда давлатимиз раҳбарининг “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Макжур ҳужжат яйловларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, каврак етиштиришни янада ривожлантириш ҳамда яйловларда ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш мақсадида қабул қилинди.

Айтиш керакки, яйловлар умуммиллий бойлик бўлиб, давлат томонидан муҳофаза қилинади.



Яйловлар чўлдаги, ярим чўлдаги, тоғ олдидagi, тоғдаги ва текисликдаги, сув билан таъминланган ҳамда сув билан таъминланмаган яйловларга ажратилади.

Энг муҳими, яйловлар атроф табиий муҳит барқарорлигида муҳим ўрин тутadi.

Юридик ва жисмоний шахслар яйловларни ифлослантирганлик, улардан оқилона фойдаланмаганлик, уларнинг таназзулга учраганлиги ва яйловлар тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузганлик натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Президент фармони асосида яйловларни муҳофаза қилиш тизими кучайтирилиши билан бир қаторда улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ортмоқда.

Ҳужжатда 500 гектар яйловда қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида ерости сувларини чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича намунавий пилот лойиҳани амалга оши-

риш кўзда тутилган.

Ушбу имконият кургоқчилик шароитига тушиб, барбод бўлаётган яйловларни асраб қолишга кўмаклашади. Бундай хайрли иш кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фармон билан яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳа, қизимнинг айтганича бор. Баҳорнинг барибир таровати, шуқуҳи бошқача, Фаргона адирилари яшилликка бурканши арасида. Эрта тондан қуёш мўралаб, офтоб тафти заминни қиздиришда. Бу ҳарорат ерга, ўт-ўланнинг бағрига сингади. Ана шундай кезларда эл далага ошиқади.

Баҳорни ким ҳам соғинмайди дейсиз? У гузаллик, орзу-умидлар фасли.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шу жумладан, фойдаланувчиларнинг мулкчилиги ҳисобидан қатъи назар, яйловлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш ташкил этилади ва бу борада назорат амалга оширилади.

2023 йил 1 августга қадар жисмоний ва юридик шахсларга ижарага берилган яйлов ер майдонлари (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) хатловдан ўтказилади. Яйловлардан фойдаланишнинг ҳолати ҳамда шартнома талаблари бажарилганлиги ўрганилади.

Хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра, шартнома шартларини бажармаган, хусусан, яйлов ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланган ҳолатлар юзасидан қонунчиликда белгиланган чоралар қўрилади. Яйлов ер майдонларининг электрон ҳисобини юритиш йўлга қўйилади.

Матлуба
МИРЗААБДУЛЛАЕВА,
ТДЮУ доценти.
ЎЗА



☀ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Бугун баҳорнинг илк кун. Қишнинг қаҳратон кунлари ортада қолди. Бу йил халқимиз ҳар йилгидан кўра баҳорни, кўкламни орзиқиб кутди. Ижтимоий тармоқларни кузатаркансиз, бу фаслни барча яхши қўришига, интиқиб кутганига яна бир бор гувоҳ бўласиз. Табриклар, баҳор ҳақидаги шеърлар дилларга илиқлик улашади.

Баҳорни жуда соғиндим.. Эрта тондан қизим Муслимаҳон баҳор ҳақида ёзган шеърининг бу сатрларини юрагидан жўшиб ўқиди. Барчамизни тўлқинлантирди. Чунки у ғурур билан айтди, баҳор соғинчини қўшиб, фахрланиб айтди. Унинг нигоҳларида кўкламга интиқиликни, гузалликка ошувталликни сезиш мумкин эди ўшанда. Қалбидаги ўз гўшасига бўлган меҳрни, муҳаббатни қўшиб айтди шу бир оғиз сўзига.

Ҳа, қизимнинг айтганича бор. Баҳорнинг барибир таровати, шуқуҳи бошқача, Фаргона адирилари яшилликка бурканши арасида. Эрта тондан қуёш мўралаб, офтоб тафти заминни қиздиришда. Бу ҳарорат ерга, ўт-ўланнинг бағрига сингади. Ана шундай кезларда эл далага ошиқади.

Баҳорни ким ҳам соғинмайди дейсиз? У гузаллик, орзу-умидлар фасли.

Атрофга бир боқинг. Борлиқ уйғонади. Яшариш, янгиланиш фасли бошланади. Ҳадемай бўртиб қолган куртаклар қабо очади. Тилла тангалардек сочилган момақаймоқлар, арик лабида бўйга етган мастона яппизлар ифори, шаддод шаббоданинг майин бармоқлари дилни энтиктиради. Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнгилларга шодумонлик, қалбларга сурур, юракларга ҳузур бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк мужда олиб келади. Чунки у байрамлари билан янада ардоқли.

Фаргонанинг бугун барча жойларида ҳам кўклам қўшиғи янграмоқда. Адиру чўлларда баҳордан дарак берувчи бойчечаклар буй кўтарган. Айниқса, қишлоқларнинг таровати ўзгача.

Файзиёб қишлоқ кўчаларидан ўтиб бораркансиз, ажиб ҳид димогингизга урилади. Сумалак. Дошқозонда Наврўз

таоми пиширилмоқда. Ёшу қари шу ерда. Сумалакни қовлаб, қўшқ ай-тишмоқда:

**Лола гул алвон-алвон,
Сумалак етмай қолган
Бир умр қилар армон.**

Ҳар гал сумалак пиширганда, халқимиз, энг аввало, эл-юртга омонлик тилайди, яратгандан экин-тикинга барака сўрайди. А йинқса, ёши улугларимиз “кўкламга етдик, шукр” дея дуо қилади.

– Шу кунларга етказганига шукрлар бўлсин, – дея дуога қўл очади онам. Баҳорни жуда соғиндик.

Ҳа, шундай дориломон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳиссига тўлади кўнгилларимиз. Юртимиз тинч. Дастурхонимиз тўкин. Фарзандларимиз соғ-саломат. Орзулари мул, тилаклари бисёр халқимиз эртанги кун умиди билан, тўй-томошалар истаги билан яшаётган ватандошларимиз Наврўзга пешвоз чиқади. Барчамизга баҳор муборак бўлсин!

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

Дўстлигимиз мустаҳкамланмоқда

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрида “Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатларнинг 30 йиллиги ва Махтумқули ижоди ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқларининг дўстлик тимсоли” мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Р.Нуразизов, Республика туркман миллий маданий маркази раиси Г.Авездурдиева, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бош мутахассиси Ф.Беков ва бошқаларнинг сўзларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларига яратилган шароитлар, уларнинг она тили, урф-одати, миллий маданиятини ривожлантириш борасидаги имкониятлар, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шу жумладан, ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини бундан буён мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, машҳур туркман шоири ва мутафаккири, туркман адабиёти, маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Махтумқули ижодининг туркман адабиёти тарихидаги ўрни, унинг ўзбек-туркман адабий алоқалари соҳасидаги аҳамияти қайд қилинди.

Таъкидланганидек, ўзбек ва туркман халқлари азал-азалдан яқин дўст, аҳил қўшни, стратегик ҳамкор сифатида муштарак мақсадлар билан яшаб келган. Шу сабабли, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалади ва ўзаро ҳурмат, ишонч асосига қурилган.

Ўзбекистоннинг яқин стратегик ҳамкорларидан бири – Туркменистон билан амалга оширилаётган ва тобора янги босқичга кўтарилаётган ўзаро дўстлик алоқалари ҳақида сўз юритиш муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

☀ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ИМКОННИ БОР ИШ БАЖАРСИН!

Алибой Жабборовни Сурхондарё вилоятининг ирригация ҳамда мелиорация тармоқлари ходимлари ишчан раҳбар сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Чунки у, ўттиз йилдан бери соҳа ходимлари билан ҳамкор.

Тошкент политехника институтини (Ҳозирги Тошкент давлат техника университети) битирган Алибой иш фаолиятини 1989 йил “Сурхонирстрой” трестиде усталикдан бошлаб, 16 йил орасида аввалига иш бошқарувчи, участка бошлиғи, ишлаб чиқариш бўлими раҳбари ва бош

муҳандис вазифаларида баракали меҳнат қилди. Вилоятдаги ҳамма туманлар ва ҳўжаликлардаги сув ҳўжалиғи ҳамда мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш юмушларини бажариб, етук мутахассис сифатида элга танилди.

(Давоми 2-саҳифада)

“АЛП ТЕХНО СЕРВИС”НИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА



☀ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” кичик саноати зонасида жойлашган “Алп Техно Сервис” масъулияти чекланган жамияти йилига 120 минг донa телевизор ва монитор ишлаб чиқариш қувватига эга.

JVC, TCL, Zimmer ва бошқа брендларнинг аудитидан ўтган корхона маҳсулотлари шу номлар остида ташқи бозорга чиқмоқда. Ўтган йили 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлиб, жорий йилда бу кўрсаткич 6 миллион долларга етказилиши кўзланган.

Корхонада айна пайтда 70 та иш ўрни яратилган. Плата териш ҳамда пластик қисмлар ишлаб чиқариш тармоғи йўлга қўйилиши билан яна 30 та янги иш ўрни яратилади.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм йўналтирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

5. Ногиронлиқни белгилашда фуқароларга қўшимча энгилликлар яратиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади;

б) Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирилик (Б.Мусаев) 2023 йил 1 апрелга қадар ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳасини киритсин, унда:

фуқароларнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасидан келиб чиқиб ногиронлиқни белгилаш амалиётидан воз кечиб, унинг ўрнига жаҳон стандартлари асосида ногиронлиқни белгилашга ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви ва уларнинг соғлигини қайта тиклашга;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тилидан ҳамда мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларида фойдаланиш имкониятларини яратишга эътибор қаратилсин.

6. “Янги Ўзбекистон” массивларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2023 йилда:

“Янги Ўзбекистон” массивлари ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришининг йиллик ҳажмлари 1,6 бараварга оширилиб, 90 мингга етказилсин. Бунда, уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситаларининг турароҳлари, шу жумладан, кўп қаватли ва ерости автотурароҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминлансин;

32 минг нафар фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари, шунингдек, 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фозиз туловларининг бир қисmini қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилсин;

аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминланишнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган фуқаролар учун Тошкент вилоятида тажриба-синов тарикасида “Менинг биринчи уйим” дастури ишлаб чиқибли, амалга оширилсин;

халқаро ва маҳаллий фонд биржаларида “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖнинг ипотека облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш учун компаниянинг устав фонди 100 миллион АҚШ доллари эквивалентига етказилсин. Бунда, ипотека облигацияларини жойлаштириш ҳисобига жалб қилинган маблағлар ипотека кредитлари учун ресурс сифатида банкларга жойлаштирилсин.

7. Ташаббусли бюджет амалиётини ҳамда маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун 4 триллион сўм йўналтирилсин;

2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирилик (Ш.Кудибоев) уч ой муддатда лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва “Очиқ бюджет” порталида тўпланган овозлар асосида молиялаштиришнинг самарали тизимини яратсин ва амалиётга киритсин.

Бунда, овоз бериш жараёнларини ҳолис ва маъмурий аралашувларсиз ташкиллашти-

ришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Таълим сифатини ошириш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари амалиётга киритилсин.

Бунда:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида ўқувчиларни илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш;

5-9-синфларида ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш;

10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш амалиёти жорий қилинсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Бунда, овқат турлари ўқувчиларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатига кўра меъёрланган ҳолда етказиб берилиши ҳамда санитария талабларига жавоб бериши таъминлансин;

г) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида: янги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кўп квартиралли уйларнинг нотурар қаватларида ёки яқна тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

давлт-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерик томонидан ушбу бионинг мазкур лойиҳа учун банк кредитлари бўйича гаровга қўйилишига оид чекловлар бекор қилинсин;

д) профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида:

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилсин;

е) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб: профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларига мо равишда умумий ўрта таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларига;

профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишинча умумий ўрта таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилсин.

9. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касал-

ликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирилик (А.Иноятов): 2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача илчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;

18-40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш;

спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар болани дори воситалари билан таъминлаш;

250 нафардан ортқ эшитувчи болада кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар болада нутқ процессорларини алмаштириш чораларини кўрсин;

б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилсин. Бунда:

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш Навоий ва Сирдарё вилоятларида – 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида – 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида – 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилсин.

2024 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қоғоз шаклда талаб қилиш тақиқлансин;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий сугуртаси механизмлари жорий этилсин;

г) 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами 30 минг нафарга етказилсин.

10. Аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилсин:

аҳолига смартфон ва мобил иловалар ёрдамида ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишни ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобил илова яратиш;

болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергетиклар, дори воситалари, биологик фаол моддалар рекламасига талаб ва чекловларни кучайтириш; таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан, таркибда шакар, туз, трансёллар микдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва уларнинг истеъмолини камайтириш; маҳаллий маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун алоҳида-алоҳида соғлом овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар, катталар ва кексалар учун қисқа тўғри овқатланиш бўйича тавсиялар, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш;

иш жойларида ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом овқатланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

11. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқнома амал

қилиш муддати давомида чет эл фуқаролари хориждан олиб келинган шахсий автотранспорт воситасини олиб чиқиб кетиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йғимни тўлашдан озод этилсин.

12. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилсин.

Адлия вазирилик (А.Ташкулов) Бош прокуратура (Н.Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлиқни маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ ҳўжалигини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида 2023 йилда:

сув ресурсларини бошқаришда узлуксиз тизимни йўлга қўйиш ҳамда сувни тежайдиган рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сувни етказиб беришдаги табиий йўқотишлар ҳажми 10 фойзгача камайтирилиши;

қишлоқ ҳўжалиги ерларини сўғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини ошириш орқали сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда сўғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши таъминлансин.

Сув ҳўжалиги вазирилик (Ш.Хамраев) 2023 йил якунига қадар:

а) сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелiorация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали камида 7 миллиард метр куб сув иқтисод қилинишини ҳамда 300 минг гектар майдонда тақорий экинларни сўғоришга йўналтирилишини таъминласин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирилик (Ш.Кудибоев) билан биргаликда:

сувнинг ҳисобини очик-ошкора юритиш тизимини жорий этиш мақсадида 13 мингта сув ҳўжалиги объектларини рақамлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни Давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан молиялаштириш;

16 та ийрик насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

14. Адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилсин:

жиноятларни тергов қилиш жараёнида “Хабеас корпус” институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш қаволатини прокурорлардан судларга ўтказиш;

жиноят ишини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабини бекор қилиш.

Олий суд (Б.Исламов), Адлия вазирилик (А.Ташкулов) ва Бош прокуратура (Н.Йўлдошев)

мазкур бандда назарда тутилган масалалар бўйича тегишли қонунлар лойиҳаларининг Давлат дастурида белгиланган муддатларда ишлаб чиқибли, киритилишини таъминласин.

15. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини “шаҳар автомобиллар эмас, балки пиёдалар учун” ғояси асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилсин;

б) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб транспорт воситасининг эгасига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахс билан биргаликда тегишли ҳуқуқни белгилувчи ҳужжатни (ишончнома ва бошқалар) тақдим этган ҳолда, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ўтказганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, хабарнома олинган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимига тегишли ўзгартришлар киритиш ҳамда ушбу транспорт воситасида содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириш тартиби жорий этилиши белгилансин.

16. Адлия вазирилик, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юсалиш” умуммиллий ҳаракати: Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин;

Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилиши ҳамда келишилишида амалий ёрдам кўрсатиб бorsин;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиб бorsин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўшимбаев) мунтазам равишда Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, шу жумладан, машҳур давлат арбоблари, таърихия сийбасатнос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа мутахассислар иштирокида кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини таъминласин.

18. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга маъсўл ва шахсий жавобгар этиб вазириклар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун маъсўл ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентиaга ахборот киритиб бorилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРИЗЎЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Зеро, икки дўст давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш, ҳамкорлигини янги йўналишлари ва истиқболларини белгиланган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни



ривожлантириш борасида тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, бу-гунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари орасида 206 минг, Қорақалпоғистон Республикасида эса 105 минг нафардан

зиёд туркман биродарларимиз жонахон юртимиз тараққиёти йўлида меҳнат қилмоқда. Мамлакатимизда туркман халқи миллий маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантириш мақсадида барча имконият, шарт-шароитлар яратилган.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим туркман тилида олиб бориладиган 40 га яқин мактаб фаолият олиб бормоқда. Уларни она тилидаги дарсликлар билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида туркман филологияси бўйича етук мутахассислар, Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бошланғич синф ўқитувчилари тайёрланмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий маданий маркази қошида “Мекан” газетаси чоп этилмоқда, “Орзу” ашула ва ракс



ансамбли фаолият кўрсатмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда туркман мумтоз шеъриятининг атоқли вакили Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги Оролбўйида ҳам кенг нишонланмоқда, – дейди Республика туркман миллий маданий маркази раиси Гулдана Аведзурдиева. – Дўстлигимиз мустаҳкам ва абадий бўлсин, мамлакатларимиз раvнақ

топиб, бир-бирига доимо мустаҳкам ҳамда ишончли шерик бўлиб қолсин! Маданий-маърифий тадбир доирасида меҳмонларга рус, қозок, туркман, ўзбек, қорақалпоқ, украин ва корейс миллиятлари вакиллари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда турли миллат вакиллари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

СУВЧИЛАР БАҲОРГИ ЮМУШЛАРГА ҚИЗҒИН КИРИШДИ

Айни кунларда Избоскан тумани ирригация бўлими жамоаси сўғориш мавсумига тайёрларлик кўриш ишларини якунига етказмоқда. Бу борада ирригаторлар ва фермерлар ўзаро бамаслаҳат иш юритаётир.

Тумандаги “Чўнғоғиш” фермер ҳўжалиги бошлиғи Улўғбек Охуновнинг айтишича, гидроучастка ва гидропостларнинг мавсумга боровакт тайёрланганлиги, ички сув йўлларининг эрта-роқ тозаланганлиги туфайли биринчи сўғориш сифатли амалга оширилди.

Туман ирригация бўлими бошлигининг ўринбосари Абдулатиф Юсуповнинг маълум қилишича, ҳозирга қадар 120 дона гидропост жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилди, 9,9 километр узунликдаги ариқлар мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Норин-Қорадарё ИТХБ матбуот хизмати.



Учрашувда вилоятдаги мактабларнинг бугунги аҳволи, айни пайтдаги мавжуд муаммолар очиқ-ойдин тилга олинди

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Президент ташрифи тафсилотларидан

ТАЪЛИМ БОШ МАВЗУ

Президентимизнинг Қашқадарёга бу галги ташрифи таълим соҳасининг муаммолари муҳокамасидан бошланди

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиздаги барча ҳудудлари сингари воҳанинг турли маҳалла ва қишлоқларида ижтимоий соҳа объектилари – боғчалар, мактаблар, даволаш муассасалари сингари иморатлар янгидан қурилмоқда, реконструкция қилинмоқда ва ялли таъмирдан чиқарилмоқда. Қарши туманининг Янги Батош маҳалласи ҳам шаҳар кўринишини олиб, унда қисқа вақт ичида замонавий тўрт қаватли мактаб ва ёнгинасида болалар боғчаси қад кўтарди.

Юртбошимиз 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига сафарини айнан мана шу 71-сонли мактаб ҳаёти билан танишишдан бошладди. Ўқувчиларга чуқур билим бериш учун барча жиҳозлар билан таъминланган синф хоналари, фан кабинетлари, ўқув устакхоналари билан танишиб чиққан Президентимиз вилоятнинг таълим соҳасидаги вакиллари билан учрашди. Менга ҳам соҳанинг фахрийси сифатида учрашувда қатнашиш насиб этди. Учрашувда вилоятдаги мактабларнинг бугунги аҳволи, ўқитувчиларнинг сифат таъмили, айни пайтдаги мавжуд муаммолар очиқ-ойдин тилга

олинди. Вилоятда мактабларнинг аҳволини яхшилаш учун ҳукуматимиз маблағни аямаётганлиги, қурилиш ва таъмирлаш учун бир триллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланганлиги мамнуният билан қайд қилиб ўтилди. Аммо шунга қарамайдан ўқитувчилар яратилаётган бу имкониятларга мос равишда меҳнат қиладигани, ёшларга талаб даражасида билим берилаяптими, деган савол ўртага ташланди. Президентимиз бу саволларга тўпланганлардан аниқ жавоб сўрадилар. Дастлаб сўз олган Ўзбекистон Қўрамо-ни, таниқли ўқитувчи Муҳаббат Шаропова ўз фикрини баён қи-

лар экан, узоқ йиллар ижтимоий соҳа вакилларининг ўз хизмат вазифаларидан четлатилиб қишлоқ ҳўжалиги ишларига жалб қилинганлиги, ойлик маошларнинг камлиги натижасида келиб чиққан муаммоларга тўхталди. Аввалам-бор, ўз маошига рўзгор тебрат олмаган эркак ўқитувчиларнинг бошқа соҳаларга иш қидириб кетишлари таълимга салбий таъсир кўрсатди. Бора-бора аёллар ҳам елкаларига хуржунни осиб, бошқа



шаҳарларга, ҳатто хорижга кета бошладилар. Натижада болалар боболари, момолари, қариндошлари, ҳатто қўшниқларига қолиб кетиш ҳоллари ҳам рўй берди. Бунинг оқибатида тарбияга путур этди, болалар ўртасида ҳатто жиноят содир этиш сони оша бошлаган эди. Сўнгги йилларда аҳвол тамоман ўзгарди: ўқитувчи ҳамма ишлардан озод қилиниб, дарсини берадиган, болалар эса билим олиш билан шуғулланадиган бўлишди, ўтказилаётган бу ислохотлар энди-энди ўз натижасини бера бошлади.

– Мактабимиз туманимизнинг

қоқ марказида жойлашган бўлса-да, тўртта биносидан бири яъни 120 ўринлиси зах, нураш арафасида эди, – дея сўз олди Ғузор туманидаги Ўбайдулла Уватов номлидаги мактаб директори Лола Усмонова. – Ундаги парталар эскириб кетган бўлиб, ўқувчиларнинг ўтириши учун ноқулай, доскаларга ёзиш қийин эди, жиҳозлар етишмасди. 2020 йилда бу бино ўрнига 360 ўринли замонавий бино қуриб берилди. Эндиликда мавжуд тўрт бинода 2200 дан ортиқ ўқувчиларимизнинг барчаси учун ўқиётган синф хоналари, фан кабинетлари,

ўқув устакхоналари талаб даражасида жиҳозланган. Ўқувчиларимизнинг камида иккита хорижий тилни ўрганишлари ва беш турдаги хунар ўрганишлари учун шароит яратди.

Бундай ўзгаришлар бошқа туманларда ҳам амалга оширилаётганлиги тўғрисида қатнашчилар Президентимизга ахборот берди-лар. Икки соатдан кўпроқ таълим ходимларининг фикрларини тинглаб, мулоқот қилган Юртбошимиз воҳада ёшларга сифатли таълим бериш, уларни замон талаблари асосида тарбиялашнинг кўплаб қирралари тўғрисида ўз таклифларини билдирдилар. Мамлакатимизда ҳар доим ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилиши соҳасида олиб борилаётган ишлар давом эттирилиши қайд қилинди. Кун давомида Президентимиз қайси жойга борган бўлсалар, ўтказган барча учрашувларида эътиборни ёшлар тарбиясига, уларнинг чуқур билим олишлари ва тарбиясига қаратдилар.

Хусниддин
НУРИДДИНОВ

Америка таассуротлари

УЛАР БУ ИШЛАРНИ УДДАЛАШ УЧУН ЎЗЛАРИДА КУЧ ТОПА ОЛГАН

Америкага сафаримиз давомида Фибершед компанияси асосчиси Ребекка Бургесс билан бўлган мулоқотимиз ҳам қизиқарли кечганди. Компания фаолияти иқлим имкониятларини кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалигига фойда келтиришдан иборат бўлиб, минтақавий ишлаб чиқаришни кенгайтирувчилар ва охириги фойдаланувчиларни етарли маълумотлар билан таъминлаб боради.

Ребекка Бургесс ҳудудда энг кўп сотилган “Харвестинг Солор” китобининг муаллифи. Китоб фермерлар, мода саноати ва янги тўқимачилик иқтисодиёти учун 2019 йилда чоп этилган. Умуман, мазкур ташкилот пахта толаси ва кўй жуни етиштирувчилар билан уни қайта ишловчилар ўртасида илмий асосда воситачилик ишларини ташкил этиб боради. Ребекка Бургесс кучли ва шиддаткор, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топишга ҳозир ва қодир, ҳеч бир қийинчилик иродасини бука олмаган зангори кўзли, тик қоматли гўзал ва нафосатли аёл. У камтарчилигига қолишни маъқул кўради, арзон ва ярашқили кийимлар кияди, дабдабали автомобиллар ва ҳовли жойлар сотиб олмайдди, ўз ишини жонидан ортиқ севади. Фурсатдан фойдаланиб Ребекка хонимга уч-тўртта савол бердим.



– Компаниянинг мақсад ва вазифаси ҳақида тўхталсангиз?

– Компаниямиз нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ер эгалари, фермерлар ва тўқимачилик корхоналари ўртасидаги муносабатларни ўнлашга, тиклашга қўмаклашиб келади. Мақсад қишлоқ ҳўжалиги билан пахта жамоа-лари етиштираётган банд хо-машёсини инжикласдан харид қилишни назорат қилиш. Ҳо-зирда инон-ихтиёримизда етмиш бешта жамоа мавжуд. Улар бир юз тўқсон минг акр ер майдонида деҳқончилик қилади. Калифорния штати Америка Қўшма Штатлари таркибига бир минг саккиз юз йигирманчи йилда қўшилган. Шундан буён минтақада хунарамандлар тайёрланган, қўл кучи билан тайёрланган маҳсулотларга ўғай кўз билан қарамайдилар. Биз шунинг учун ҳам хунарамандлар муш-кулини осон қилишга қўмакла-шамиз. Бу масъулияти юмуш доимий эътибор марказида бўлиб келган. Ота-боболари-римни бер минг саккиз юз ўн бешинчи йилда тақдир шамо-ли бу ерларга учириб келган. Улар бу ерга муқим ўрнашиб, Исландия, Ирландия, АҚШ давлатларидан жун олиб кел-ганлар. Деҳқонлар ошқовоқ,



лавлаги етиштиришни тузук билганлар. Эла Робола деган қабилла вакиллари қадимдан бу замин тупроғида пахта экиб келганлар. Шу-шу бошқа мин-тақалардаги қабил, Жанубий Калифорнияда ҳам пахта, гўза утроклашган экинга айланиб улгурган.

– Пахта ҳамда жун етиштиришда асосан нимага эътибор қаратилади?

– Калифорниянинг садоқатли ватанпарвар йигит-қизлари учун чинакам муқад-дас нарсалар бор. Ўлка ерларининг тинкасини қурита-ётган, мадордан кетказаётган курғоқчилик ҳамда сувнинг ер тубига тортилишидан асраб қолиш, ҳимоялашдир. Бу бутун минтақада истиқомат қилаётган эзгу ниятили киши-ларга азоб беради. Аслида бундай ўткир, етилган муам-молар пахта етиштирувчи-лар қаторида, бизларни ҳам ҳаяжонга солиб, дилимизни сиёҳ қилиб юборади. Йирик тўқимачилик корхоналари раҳ-лари ҳам бу масалаларга ҳукумат эътиборини қаратиш-га муяссар бўлди. Бу муам-мога тегишли ташкилотлар эътиборини қаратишдан асло

тийилмайдилар. Қишлоқ ҳўжа-лиги корхоналари, фермер-лар, тўқимачиларни биринчи галда сифат ва сон жиҳдид қизиқтиради. Бу нарс ернинг ҳолатига узвий боғлиқдир. Иложи борича тупроқ тариби-ни ўнлаб, ишлов беришининг янги усулларида фойдала-наяпти. Баъзида олимлар хиз-матига ҳам эҳтиёж сезилади. Улар бизларга тегишли бўлган ерларда илмий-тадқиқот, ўр-ганиш ишларини олиб бора-дилар.



– Эшитишимизча, АҚШ-нинг кўпгина минтақаларида рангли пахта етиштирилган экан?

– Тўғри, болалигимдан плантацияларда ўстирила-диган турфа рангдаги, яъни жигаранг, қизил, сариқ, оқ пахталарга меҳрим тушган-ди. Айтганча, пахта толаси меъёрида қайнатилса, унинг туси ёрқинлашади. Бу нарс тажрибадан аён. Тагин бир гап. Ғўзани баргдан холос этиш осон юмуш эмас...

Шу маҳал баланд бўйли, қотмадан келган жун соҳа-си бўйича мутахассис йигит Алекс Гофоснинг нигоҳи менга

қадалди ва юз-кўзига табассум ёйилди. У мени Ўзбекистондан келган журналист эканлигимни билиб, таниб қолганди. Ёнида-ги ўзи билан ёнма-ён қадам ташлаётган қиз Алесон Рай-лига бурилиб қаради, тўхтаб мен томонга яқин келди ва хушчақчақ, самимий оҳангда суҳбатга қўшилди:

– Тўғриси айтсам, су-рувдаги кўйларни бошқа жойга олиб кетишда ҳам сал бўлса меннинг миямга қон ўрай деганди. Уларсиз мен ҳўжаликни бошқара ол-маслигимни тушуниб етдим. Лекин, сал вақт ўтиб барча-си ўз измига тушиб кетди. Отар тагин кўй сурувига тўлди. Буларни бариси кўй зоти яхшилиниб, сифатли жун ишлаб чиқариш ҳамжи ошганлигидан далолат беради. Шунинг учун биз кўйлар жунини йилга бир маротаба қирқишга мажбур бўлдик. Тушунаясиз, кўй жунининг харири кўп, бо-зори қаққон. Дастлаб жун ювиб тозаланади, сўнгра тола ҳолатига келтирилади. Шу тариқа ундан нафис ва бежирим матолар тўқилади. Уртача бир килограмм жун тўрт ярим долларга соти-лади. Баъзида нарх бундан ҳам қимматлашиши мумкин. Нега энди мен бу ерда эка-нимин биласизми?

– Йўқ, дедим.

– Болалигимда ёт эллар-дан келтирилган, бу ернинг иқлим шароитига мослашган



кўй сурувлари ҳақида кўп ўқи-ганман, эшитганман. Ана шу жониворларни мана ҳозир ўз кўзим билан кўриб, парвариш-лаб турибман. Ишимдан но-лимаман. Шу сабабли бу ерда қолиб, кўй сурувларига меҳримни беришга жазм эт-дим. Қолаверса, ҳар қандай янгиликни синаб кўриш им-кониятини қўлдан бой бер-маялман. Албатта, бу нарс дунёқарашимни кенгайтира-ди, билимларимни бойита-ди. Битта қўйдан йилга беш килограмм сифатли жун олиш мумкин. Бир гектар яйловга ўн, ўн бештагача майда шохли мол тўғри келади. Жонивор-лар беда, йўнғичка, ва бошқа ўт-ўланларни хуш қўриб ис-теъмол қилади. Натижада тезда семироби, эт боғлайди. Кўй асосан гўшт, жун ва пиш-лоқ учун боқилади. Негадир америка халқи кўй гўштини кам истеъмол қилади.

Ҳаво илиқ, баъзида шамол эсади. Гоҳида тепадан ёввойи ўрдак, ғозлар галаси учиб ўта-ди. Ям-яшил дарахтзорлар, дигла хуш ёқувчи майсазорлар кучоғидаги манзилда ҳаёт қай-найди. Бу ерни обод қилганлар-нинг чеҳраси очик, ён-вериди одамларга бефарқ эмас. Зеро, улар бу эзгу ишларни уddалаш учун ўзларида куч топа олган. Бугун бажарган ишларидан қайфияти чоғ бўлиб ўтирибди. Аслида бу уларнинг бекаму-кўст бахтидир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
журналист.

ИМКНИ БОР ИШ БАЖАРСИН!

(Боши 1-саҳифада)

Соҳада ишлаб, кўп йиллик тажриба орттирган Алибойни бошқа таши-лотларга бир неча марта ишга таклиф қилишган. Аммо у хусусийлашти-риш бошланган 2005 йили алоҳида корхона тузиб, ирригация- мели-орация объектарини қу-риш, таъмирлаш-тиклаш билан шуғулланишни давом эттиришга бел боғлади. “Туронирсувқу-риллш” корхонасини таш-кил қилиб, биринчи галда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга киришди. Банддан кредит чиқарди, лизинг компаниялари би-лан шартнома тузди. 4 та экскаватор, 2 та бульдо-зер, автокран, Лепхер, Чаён, Тройлер, 25 тонна юк кўтарадиган ўзи туши-радиган 3 та автомашина харид қилинди. Корхонада энг тажрибали мутахас-сислар тўпланди. 17 йил мобайнида корхона секин-аста иқтисодий жиҳатдан юксала борди. Бетон тай-ёрлаш ва бетон буюмлар ишлаб чиқариш цехи очил-ди. Айни дамда корхонада 60 нафар муҳандис-тех-ник доимий меҳнат қи-ляпти. Иш ҳажми ортганда яна 100 нафар мавсумий ишчи жалб этилади. Бар-ча турдаги техникаларга эга жамоа ҳар йили ир-ригация ва мелиорация объектилари бўйича кўзда тутилган қурилишларни амалга ошириш лойиҳа танловларида иштирок этмоқда. Танловда ғолиб бўлган тақдирда ҳам бит-та лойиҳа билан чеклан-майди. Ишчиларни бўш қолдирмаслик ва корхона даромадини кўпайтириш мақсадида бошқа кор-хоналарга ҳам ёрдамчи пудратчи бўлиб иш бажаришаверади.

Алибой Жабборовнинг ўрнат олса арзийдиган фа-зилати шуки, ходимлари манфаатини биринчи ўринга қўяди. Корхонани катта бир рўзгор деб би-лади. “Раҳбар 60 нафар ходимга ҳам ота, ҳам она”, дейди у. Иш бўлиб турса-гина ходимлар ҳамда кор-хона даромадли бўлишини чуқур идрок этгани туфай-ли мудом изланиш-ҳара-катда. Айрим қурувчиларга ўхшаб пули бўлганда енгил автомашина харид қилмади, қўша-қўша уй қурмади, аксинча топган маблағини фақат корхо-на ва ходимлар манфаати йўлида сарфлади. Айнан шунинг учун ҳам корхона-нинг моддий-техника ба-заси мустаҳкам, ҳар қан-дай ишни уddалаш учун техника ҳам, тажрибали мутахассис ҳам етарли. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Исомиддин Хи-дилов, ака-ука машинист экскаваторчилар Асқар ва Фазлиддин Қобулов, Жаҳонгир Эргашев, Эл-мурод Ўлдошев, Баҳром Абдурахимов, Холмўмин Норқўчқоров сингари тех-ника шайдолари Алибой аканинг таянчлари. Улар-нинг меҳнаткашлигига су-яниб, Жабборов ҳеч нарсани ўйламай, катта-катта лойиҳаларни бажаришни корхона зиммасига ола-ди. Бирор объектда иш бошлашса, бетонлашти-риш зарурати туғилса ёки бетон гиштлар, бетон бал-калар ёхуд питалар керак бўлса, бошқа ташкилот-ларга излаб боришмайди. Бетон тайёрлаш ва бетон буюмлар ишлаб чиқариш цехида ўзлари тайёрла-шади – ҳам сифатли, ҳам ҳамёнбон. Ўтган йили корхона аъзолари уму-мий ҳисобда 17 миллиард сўмлик иш бажаришган. Жумладан, ирригация ва мелиорация объектиари-да 11 миллиард сўмлик реконструкция, тозалаш, таъмирлаш-тиклаш юмуш-ларини уddалашди.

– Инсофли, диёнатли, тажрибали раҳбар Алибой Жабборов бошлиқ корхона жамоаси билан анчадан бери ҳамкорлик қиламиз. 2022 йил улар ташки-лотимиз бюрутмасига асосан, Ангор туманида 178,5 километр узунлик-даги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, таъмирлаш-тиклаш иш-лари сифатли бажаришди, – дейди “Сурхондарёсувқу-рилишинвест” давлат му-ассасаси етакчи мутахас-сиси Одил Исмадиев.

– Бундан ташқари, Денов туманидаги “Ойбарак” каналининг 3 километр қисмини бетонлаштириб, 3,5 километрини лойқа-дан тозалаб, таъмирлаш-ди. Қайси объект ишониб топширилса, корхона иш-чилари ҳаммаша сифатга катта эътибор беришади. Ҳозирда корхона ишчи-хизматчилари йилдан-йил-га ўтувчи объект ҳисоблан-ган “Қумқўрғон” каналининг Шўрчи туманидан ўтувчи 3,5 километр қисмини сел-тошқин сувларидан ҳимоя қилиш мақсадида бетонлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

Усмонали НОРМАТОВ

ҲУҚОРО МУҲОҒАЗАСИ ОЙЛИГИДА ҒАОЛ БЎЛАЙЛИК!

Сергели тумани ФВ, CEO ва ЖСХ бўлими ходимлари ҳамда тегишли соҳа вакилларида иборат ишчи гуруҳ томонидан Сергели тумани Янги Сергели кўчасида жой-лашган “Деҳқон бозор” ҳудудида озик-овқат-дан заҳарланганининг олдини олиш мақсадида профилактик суҳбатлар олиб борилади. Бозор ҳудудида қўлбола анор шарбати чиқариш учун мўлжалланган ускуна, анор шарбатлари ва 7 кг. лағмон ҳамда 5 литрдан иборат консерва маҳсулоти белгиланган тартибда олиниб, брокераж қилинди. Тадбир-корлар ўртасида овқатдан заҳарланганининг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилади.

С.САИДУРОДОВ,

Сергели тумани ФВБ НТБ бошлиғи, капитан.

Эълон

“SQB Insurance” суғурта компанияси акциядор-лик жамиятининг А4 форматдаги 0085142, 081655 серияли полис, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сонини чекланган PSL 0031719 серияли полис бланкалари йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотганлиги маълум қилинади.



СИЗНИ СОҒИНДИМ,
УСТОЗ!

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бунафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Баҳмал ғолийларда, қирларда баҳор...

Бугун юртимизда баҳор нафаси кезмокда. Баҳор янгиланиш фасли сифатида ижодкорга илҳом беради. Қолаверса, баҳор деганда устоз шоира, Зулфияхоним сиймоси кўз олдимизга келади. Зеро, унинг номи, ижоди баҳор билан ҳамоҳанг ва ағизқадир.

Сизни соғиндим, устоз! Нечун соғинмайин?! Ахир, сиз билан бўлган суҳбатлар, маслаҳатларингиз қалбимнинг туб-тубига сингиб кетган. Баҳорнинг илк куниди яна сизни эслайман. Юрагимнинг туб-тубидан нидо келади, сўзларим титроқ, қалбим йиғламокда. Сиз менинг ҳар калима сўзимда, ҳаёлимда, хотирамда яшасиз.

Қўлимга илк қалам олган кезларим, ўқитувчим, шоир ва драматург Низом Умарий раҳнамолик қилган бўлса, аслида менинг туйғуларим, дебочасида сиз турар эдингиз, ижодимга илҳом берган аслида сиз эдингиз. Бу туйғу оддий туйғу эмас, илоҳий эди. Сизга ҳавас қилган кезларим... Сизга ўхшашга интилганим... Буларни бугун, баҳорнинг илк куниди, сиз таваллуд топган кунда хотирамдан такрор-такрор ўтказаман.

Ҳаммаси кечагидай ёдимда. Болалигимда радиодан мунис овозингизни эшитиб қолсам, бутун вужудимга титроқ қирар эди. Ҳаёл мени сизнинг шеърӣ оламингизга етаклар, ундан қониб-қониб баҳра олишга ва шеърӣ чама-нингиздан гўзал гулларни теришга ундарди.

Сизнинг боғингизда гуллар кўп, чечаклар кўп. Бу гуллар ўзига шундай сеҳрлаб оладики, бу гулшандан чиқиб кетгинг келмайди.

Сизнинг ва сиз ҳақингиздаги китобларни қайта-қайта ўқийман, бирор, сафарга боргудай бўлсам, ҳаммаша китобларингиз менга ҳамроҳдир. Мен китобларингиздан нур оламан, куч оламан. Китобларингизни ўқиб, туйғуларим тиниклашади, ижодий юксаламан.

Мана, бугун ҳар йилдагидек, баҳорни илк кунини, сизнинг таваллуд кунингизни нишонлаш насиб этди. Сиз нафақат баҳор, балки эзулик, хайрли ишлар тимсолига айланган ўзбекнинг улғу шоирасисиз. Юртимизда сизнинг номингизда Давлат мукофоти таъсис этилди. Қандай яхши. Сизнинг номингизнинг ўзиёқ юзлаб ўзбек шоира қизларини, минглаб иқтидорларни кашф қилаяпти. Буларни кўрган кўзлар нечун қувномасин...

Бугун қалбим жуда тўлқинланиб кетди. Бунинг изоҳига сўз топишга қийналаман, туйғулар мени ҳар қўйга соляпти. Устоз! Андижонлик шоираларнинг ҳаммаси сизни яхши кўради. Сиз уларнинг барчасига ижод бўстониға йўл очиб берган улғу устозсиз.

Тоғ ортига ўтиб кетди кун,
Секин чўкди тоза, салқин тун...
Мен дераза очганим чорбоғ,
Сокин ухлар тун кўрпасида.
Майин қўшиқ ёйлар ҳар ён,
Эсиб ўтган ел шарпасида.

Ҳа, табиат тасвири сизнинг шеърларингизга шундай боғланиб кетганки, бунга ҳавас қиламан ва ўзим ҳам ўша сеҳр оғушида қоламан.

Дарвоқе, сизнинг Хулқар опам билан бирга тушган суратингиз ёзув столиға файз бериб туради. Бу суратга кунда бир неча бор нигоҳ ташлайман. “Мунисим, Хулқарим”, деганингизда сиз қанчалар ҳақ эдингиз. Назаримда Хулқар опамга, барча ўзбек шоираларига мунислиқни аслида сиз бергансиз.

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларингиз, дағир мафтун.
Ҳар уйғонган қуртак ҳаёт берган каби
Кўзларингизга суртиб ўпардинг уни.

Устоз, сиз ҳар бир асарингизда дўстликнинг буюк қудратини, ҳаёт ва тинчликни, айниқса, баҳорнинг гўзал ҳамда бетақрор манзарасини ташбиҳлар билан қалбдан қуйладингиз. Сиз халқимиз қалбида баҳор ва шодлик, ҳаёт ва тинчлик куйчиси бўлиб абадий яшайверасиз. Сизнинг номингиз муҳаббат ва садоқат тимсоли бўлиб мангу қолгусидир.

Мунаввара ТИЛЛАБОЕВА,
шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси.
ЎзА.

Мамлакатимиз ҳудудида узоқ йиллар давомида турли тиллар истеъмолда бўлганлиги боис, баъзи бир атамаларнинг нимани англатиши тарихчиларга қийинчилик туқдирмоқда. Масалан, “Бухоро” атамаси. Баъзи тарихчи олимларнинг фикрича, бу сўз “Тангри жамоли”, “Билимллилар шаҳри”, “Нур таратуви шаҳар” каби маъноларни англатар экан. Аммо тарихий манбалар титкилаб ўрганилса, унинг бошқача талқинлари ҳам бордек туюлмоқда.

Тарихий манбаларда “БАРХАЙРА” деган қўшма сўз бўлган. “БАР” дегани барида, бўйида, ёқасида, ёнида деган маънони англатади. “Хай” дегани хитой тилида денгиз, сув деган маъноларни англатади. “РА” эса сўғдийчада гўзал шаҳар, катта работ ёки қуёш юрти, деган маъноларни англатади. Шундай қилиб, аниқлик киритсак, “Бухоро” сўзи “БАР-ХАЙ-РА” қўшма сўзлари бирикмаси бўлиб, Бухоро тарзида айтилиб, талаффуз қилиниб келган бўлиши мумкин. У “Денгиз бўйидаги” ёки “Сув бўйидаги шаҳар” деган маънони англатади. Қизиғи шундаки, буни асословчи мисоллар ҳам кўзга ташланмокда. Масалан, Пойкент шаҳрининг қадимги номи “ШАҲРИХАЙБАР” бўлган (қорақўллик таниқли шоир Тилак Жўра ўзининг 1990 йилда ёзилган “Руҳият” китобида “Шаҳрихайбар” тўғрисида шеър ёзган). Бу ерда ҳам “ШАҲРИ-ХАЙ-БАР” – сўзлари бирикмаси “Денгиз бўйидаги шаҳар” деган маънони англатади. Яна бир мисол: хитойликлар қадим Пойкентни ва Бухорони “БИ” ва “Бу” деб атаганлар. Шундан келиб чиқиб, “Бухоро” сўзи “Бу-хай-ра” тарзида бўлган бўлиши ҳам ҳақиқатлик даъвосини қила олади. Яна бир мисол: араб савдогарларида “Момолик ут-Висолик” – “Йўллар ва шаҳарлар” деган харита, китоблари бўлган. Улар сув бўйидаги бу катта қишлоқни (Қутайба ибн Муслим бостириб кирганида Бухоро катта қишлоқ деб аталган) ёқтириб қолганлар ва ўзларининг кўпгина китобларида “Бухоро” ёки “Бахайра” тарзида ёзиб қолдирганлар. Бугунги кунда ҳам сув бўйидаги баъзи бир шаҳарларни арабистонда Бахайра деб атайдилар.

Шофиркон туманида “Хўжа Ориф Ревгарий” зиёратгоҳи бор. “Ревгарий” деган сўзни маҳаллий зиёиллар аслида “РЕГГАРИЙ” деб айтилади, дейдилар ва



“БУХОРО”
АТАМАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

у “Катта қум тепа” деган маънони англатади, демоқдалар. “Ревгарий” сўзи аслида “Регбарий” тарзида бўлиб “Қум тепа ёнидаги қишлоқ” деган маънони ёки “Қум тепа ёнидаги қишлоқлик” деган маънони англатади. Яна Бухоро, Пойкент атамалари мавзусига қайтамыз. Ҳақиқатдан ҳам Бухоро ва Пойкент шаҳарлари сув бўйида жойлашган бўлган. Бухоро шаҳри Санжом кўли бўйида жойлашган, Пойкент шаҳри эса Қорақўл кўли бўйида жойлашган. Икки кўл ўзаро бирлашиб турган. “Қорақўл” дегани катта кўл дегани. Каминанинг “Кўҳна Пойкент қиссаси” номли ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этилган китобида бу тўғрида изоҳ ёзилган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида шундай дейилган: “Пойкандликлар ҳамалари савдогар бўлганлар. Улар денгиз орқали бориш мумкин бўлган барча давлатлар билан савдо алоқаларини қилар эдилар”. “Пойкент” аввал “Байкент” тарзида бўлган. Термизийнинг “Байкентда яшаб ўтган Байкандийлар” деган ибораси бор. Унда у 17 та Байкандий ҳақида маълумот берган. “Байкент” – “Савдогарлар шаҳри”.

Араблар уни тўғридан-тўғри “Мадинат ут-тужжор” деб атаганлар. Тарихнинг яна бир жумбоғига эътибор қаратайлик: “Аф”, “АВ”, “ЭВ” каби қисқа сўзлар “Қалъа”, “Сарой”, “Кўрғон” деган маънони англатган. Масалан, “Афғон”, “Авғон”, “Афхон” сўзлари бир хил маънони – “Хон қалъаси”, “Хон саройи”, “Хон кўргони” каби маъноларни англатади. Ортимизда ҳам Аф, АВ ёки ЭВ билан бошланадиган 20 дан ортиқ қалъа номлари бор. Масалан, Бухоро вилоятининг Пешку, Ромитан, Шофиркон туманлари ҳудудларида “Авзале”, “Авдоне” деган қалъалар бор. Авдоне сўзининг маъносини “Кичик қалъа” ёки “олтидан бир марта кичик қалъа” деган маънони англатади. Дарҳақиқат, доне сўзи туркийда олтидан бир деган маънони англатади. Демакки, Авдоне қалъаси қўшни Авзале қалъасига қийслаб номланган, ундан олтидан бир марта кичиклиги айтиб ўтилган. Энди Афшона сўзига назар солайлик. Афшона аслида “Афшина” Байкентда яшаб ўтган Афшина дегани Шиналар кўргони дегани. Бундай атама Бухоро туманида ҳам мавжуд. Қадимда Шина деган саркарда

“Буни тарих дейдилар. У кеча ва минг-минглаб йиллар воқеъиликлариға гувоҳлик беради. Уларни топмоқ, очмоқ ва авайлаб ҳақиқат тоқиға илиб қўймоқ керак”.

Юсуф РЎЗИ БАЙКАНДИЙ

ийигит бўлгани, унинг Бухороға ҳужум қилгани, даштиқиларға қарши тургани ҳақида тарихдан маълум. Юзга яқин жангчиси бўлган Шина хитойликлар билан қаттиқ тўқнашади ва қўшини катта талафот кўради. Аксар ярадорлардан иборат бўлган Шина қўшини 2-3 гуруҳға бўлиниб, тарқалиб кетади ва ҳар бир гуруҳ ҳар жойда манзил тутайди. Вақтлар ўтиб, улар катта қишлоқлар ҳосил қиладилар. Улар қўрган кўрғонларини “Авшина” деб атаганлар. Кейинги вақтларда бу атама “Афшона” тарзида айтилиб келинмокда. Қалъалар ёнида жойлашган уйлар, хонадонларни “Авён” деб атаганлар. Бу Кўрғон ёнидаги, деган маънони англатади. Бундай номла-нишлар юртимизда мавжуд. “Айвон” сўзи ҳам шу атамага боғлиқ.

Юсуф РЎЗИ БАЙКАНДИЙ,
тарихшунос олим.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОТАХОНЛАР

Яқинда Булунғур туманида бўлиб ўтган “Оталар чойхонаси” тадбири шундай номланди

Юртимизда кексаларни қадрлаш, қўллаб-қуватлаш, уларга меҳр-оқибат кўрсатиш каби халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар кейинги йилларда давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги айни ҳақиқатдир.

Айниқса, ҳар ойнинг илк ҳафта-сида “Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат” ғоя-си остида мамлакатимизнинг бар-ча ҳудудларида, маҳаллаларида “Кексалар ҳафталиги”ни ўтказиб

учрашувлар тез-тез ўтказиб тури-лади. Бундан ташқари, туманда нафақахўрлар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштиришга ҳам катта эъ-тибор қаратилаяпти. Яқинда туман



бориш яхши анъана тусига кириб, ҳафталик доирасида кексаалар ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғ-лиқ турли ил маънавий-маъри-фий, кўнгилочар тадбирлар, кўрик танловлар, спорт мусобақалари-нинг мунтазам равишда ўтказила-ётгани ҳам қўқоридаги фикрлари-мизнинг ёрқин исботидир. Бундай кенг қўламли тадбирларни ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтқа-зиш, қолаверса, кекса отахон ва онахонларимизнинг мароқли дам олишлари учун Булунғур тумани марказидаги “Нуронийлар” маска-нида ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Дам олиш хона-лари, шахмат-шашка тўғарағи, спорт тренажёрлари, кутубхона, у ердаги турли хил рўзномалар тахтамлари, журналлар дейсиз-ми барчаси уларнинг хизматида. Масканда миллий ва умумхалқ байрамларимиз муносабати би-лан ҳам турли хил тадбирлар,



чойхонаси” ижодий жамоаси но-мидан ўз миннатдорчилигини бил-дирар экан, ушбу кўрсатуви-нинг тобора оммалашиб бораётган-лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга унда жойларда нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратиб берилаёт-ган шарт-шароитлар, ўз навба-тида пиру бадавлатларимизнинг жамият ҳаётида тутган ўринла-ри кенг акс эттирилаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Шун-дан сўнг бошловчи сўз навбатини туман ҳокими Самандар Астонов-га берди. Ҳоким туманда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, нуронийлар-га кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапириб берди. Тадбир-нинг бадиий қисмида туман ма-даният уйи қошидаги “Ёшлик” ашула ва рақс ансамбли раҳба-ри Бахтиёр Донсанёров, хушвоз хонанда, мумтоз қўшиқлар ижро-чиси Уктам Эгамқулов, 80 ёшли отахон Суюн Норбеков томонидан мароқ билан ижро этилган бахши шоир Фозил Йўлдош ўғлининг кў-шиқлари, термалари, шунингдек, “Чавқи” фольклор-этнографик ан-самбли жамоасининг чиқишлари, яъни улар томонидан қуйланган бир қорсок, беш қорсок, тўққиз қорсок ўйинлари, халқ қўшиқла-ри, лапарлари айниқса, барчага манзур бўлди. Тадбир давомида

9-сон мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, 1-даражали “Меҳнат фаҳрийси” кўрак нишонини соҳиб, 72 ёшли отахон Соатмурод Нор-матов томонидан ташкил этилган “Муножаат издошлари” ансамб-ли солистлари томонидан ижро этилган терма ва лапарлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Таниқли шоир Рустам Бердалиевнинг Бу-лунғур тумани ҳақида ёд ўқиган шеърлари ҳам барчага манзур бўлди.

Шунингдек, тадбир давомида сўзга чиққан туман “Нуронийлар” жамоатчилиги кенгаши аъзолари туман тарихи, унинг ўзига хос ға-ройиб табиати – калорити, нуро-нийларга кўрсатилаётган ғамхўр-ликлар, миришкор деҳқонлар томонидан амалга оширилаётган улғувор ишлар, “Ҳар бир нуро-ний – ўн нафарда ёшга мубарбий” тамойили борасида тобора кенг

тус олаётган ибратли тажриба-лар, устоз-шоғирд анъаналари, шунингдек, тумандан етишиб чиққан машҳур кишилар ҳақида гапириб беришди.

– Туманимизда 15 мингга яқин нуроний истиқомат қилади, – дейди туман Маҳалла ва ну-ронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг Нуронийлар бўйи-ча маслаҳатчиси, туман “Нуро-нийлар” жамоатчилиги Кенгаши раиси Очил Аҳмедов. – Нуроний отахон ва онахонларимизнинг ҳамда ёлғиз кексаларнинг янада мазмунли ҳаёт кечиришларига ва дам олишларига алоҳида эъ-тибор қаратиб келяпмиз. Ўтган йили 50 нафарга яқин ана шун-дай кексаларимиз соғлиқларини тиклашлари учун сиҳатгоҳларда дам олиб келишди. Мустанқил-нинг 31 йиллиги байрами муноса-бати билан барча маҳаллаларда нуронийларимизга ҳомийлар то-монидан хайр-эҳсонлар тарқа-тилди. Гулзор маҳалласидаги кам таъминланган бир оилға янги уй-жой қуриб берилди. Қуз-киш мавсумига тайёргарлик бўйича 8 минг тонна қўмир кам таъмин-ланган оилалар уйларига етказиб берилди.

“Оталар чойхонаси” тадбири сўнгида фаол нуронийларнинг бир гуруҳи ҳамда ташкилотчи-лар туман ҳокимлиги ҳамда ту-ман “Нуронийлар” жамоатчилиги Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Холбой ҚОСИМОВ,
адиб.

Раббим ҲОТАМОВ
олган суратлар.



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидида ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
АктаМ ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Т-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.

Манзил – “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021
Қўл 772010702007
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00